



Имтиёзли кредитда чеклов бўлмаслиги керак

3-с.

Фирибгарлар найрангига ёшлар кўпроқ алданяпти

“Маҳалла еттилиги” билан ҳуқуқбузарликка оид муаммоларни ҳал этиш чораларини кўряпмиз.

5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
23 АПРЕЛЬ,
ЧОРШАНБА

Маҳалла

№33
(2257)

WWW.UZMAHALLA.UZ

СЕКТОРЛАР ИШИГА УЮШМА МАСЪУЛ БЎЛАДИ

“Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти тугатилиб, унинг ўрнига янги тартиб ўрнатилди. Унга кўра:

а) прокурор, ички ишлар ва солиқ органлари раҳбарлари секторлар фаолияти бўйича

юклатилган вазифалардан озод этилади;

б) секторлар ишига Бош вазир ўринбосарлари ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари масъул этиб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда секторларнинг

янги тартиб асосида фаолият юритиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритади.

Ҳужжатга кўра, масъул идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳлар “жиноятчиликка қарши курашиш ҳафталиги” давомида ҳар ойнинг 1-5

саналарида режа асосида “қизил” тоифадаги маҳаллаларга тушади. Улар жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилади, маҳаллаларда илгари сурилган халқчил ташаббуслар асосида қонунларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

ЯНГИ ТИЗИМ

БУГУНГИ СОНДА:

Туризм маркази имкониятни оширди, солиқ тушуми ортди

“Маҳалла еттилиги” тизими йўлга қўйилмасидан олдин фуқаролар оддий тушунмовчилик юзасидан ҳам солиқ идорасига қатнаб, ортиқча вақтини ва пулини сарфлашга мажбур бўларди.

4-с.

Хотиржамлик — одамларга чинакам кўмак ва наф тегишидан

Айни вақтда кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларни санаторийда дам олишни таъминлаш мақсадида онлайн навбатга қўйиш тизими жорий этилган. Назаримда, уни бироз такомиллаштириш керак.

6-с.

“Оқила аёллар ҳаракати” аъзоларига моддий рағбат берилса...

“Оқила аёллар ҳаракати” аъзоларига қисман моддий рағбатлантириш белгиланса, яхши бўларди. Агар қилинган ишга қараб, ҳақ тўлаш йўлга қўйилса, натижадорлик ортарди.

7-с.

Пора таклиф ёки талаб қилишнинг ҳукми қандай?

Порахўрлик динимизда қаттиқ қораланган. Савбон розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулulloх солаллоху алайҳи васаллам пора берувчи, пора олувчи ва уларнинг ўртасидаги воситачини лаънатладилар” (Имом Аҳмад ривояти).

8-с.



“САЙЛОВ – 2025”

ШАФФОФЛИК, ОШКОРАЛИК, ОЧИҚЛИК — ЭНГ МУҲИМ МЕЗОН

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида жорий йилнинг май-июль ойларида бўлиб ўтадиган маҳалла раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси мутасаддилари, Уюшманинг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари вакиллари, “маҳалла еттилиги” аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Қайд этилганидек, сўнгги йиллар-

да маҳаллага қўшимча куч ва имкониятлар тақдим этиляпти, ваколат ҳам, масъулият ҳам қўйи тизимга туширилмоқда. Натижада маҳалла ҳар бир оила, ҳар бир инсон муаммоси, дарду ташвишига чуқур кириб бора оладиган халқчил тузилма сифатида янада фаоллашди.

Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар

фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори “маҳалла еттилиги”ни ташкил қилиб, ягона жамоа сифатида ишлаш тартиби жорий этилди. Бугунги кунда 9 452 та маҳаллада 57 минг 132 нафар “еттилик” аъзолари фаолият юритяпти.

(Давоми 2-саҳифада).



“СКАНДИНАВЧА ЮРИШ” — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ МУҲИМ БЎЛАГИ

8-с.



ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ САЙЛОВИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ!

Лазизбек МУЛЛАЖОНОВ,

бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Ёзги Олимпиада ўйинлари ғолиби, “Келажак бунёдкори” медали соҳиби:


— Президентимиз ташаббуси билан “маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, ҳар бир масала йиғинининг ўзида ҳал қилиниб, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантирилади. Албатта, бу жараёнда маҳалла раисининг салоҳияти, ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга. Мен ҳам спортчи ва ёшлар вакили сифатида маҳалла ҳаётига беэътибор эмасман. Турли тадбирларда фаол қатнашиб, йиғин ривож учун ўз ёрдамимни аямайман. Хайрия ишларига бош-қош бўламан. Ҳали режаларимиз кўп. Улардан бири — ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун спорт мажмуаси очишдир.

Мамлакатимиздаги ҳеч бир сиёсий ва иқтисодий ислоҳотга, хусусан, ўз маҳаллам келажига эътиборсиз бўлмаган ҳолда, ўзим истиқомат қилаётган Фарғона туманидаги “Вазир” маҳалласи раиси сайловида фаол иштирок этаман.





Президент ОСИЁ ЧЕМПИОНИ бўлган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига табрик йўллади ва уларни мукофотлади.



Шавкат Мирзиёев Рим Папаси Францискининг вафоти муносабати билан ҲАМДАРДЛИК ЙЎЛЛАДИ.



Италия бош вазири Жоржа Мелони 25-26 апрель кунлари Ўзбекистонга РАСМИЙ ТАШРИФ билан келади.

“САЙЛОВ – 2025”

ШАФФОФЛИК, ОШКОРАЛИК, ОЧИҚЛИК — ЭНГ МУҲИМ МЕЗОН

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Матбуот анжуманида маҳалла раислари сайлови бўйича қонунчиликка киритилган ўзгаришлар хусусида маълумот берилди.

Таъкидланганидек, “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, эндиликда маҳалла раисларининг ваколат муддати 5 йилга узайтирилди. Шу билан бирга, мустақил мамлакатимиз тарихида илк бор сайловлар янгича демократик тамойиллар асосида, очиқлик ва ошкораликда, фуқароларнинг хоши ва иродасини эркин ифода этиш тамойилларига хос тарзда ўтказилади.

Қонунчиликдаги муҳим ўзгаришлардан яна бири — маҳалла раислари сайловини ўтказиш муддатларини белгилаш эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгаши ваколатига ўтказилган бўлиб, ушбу ўзгариш маҳаллаларнинг вакиллик органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишига ёрдам беради. Бундан кўзланган асосий мақсад — сайловга тайёргарлик тадбирлари, ўтказиш муддатлари ва тартибини белгиловчи ваколатларни номарказлаштириш ҳисобланади.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг 2024 йилда бажаришган ишлари ҳисоботи ва келгусида амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар муҳокамаси ҳам бўлиб ўтди.



Анжуманда жорий йилнинг май-июль ойларида ўтказиладиган сайловга қўриладиган тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Бугунги кунда юртимиздаги маҳаллалар тўлиқ замонавий шаклда фаолият олиб бориб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг локомотив бўлинига айланди. Утган давр мобайнида “маҳалла еттилик” аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, оилаларда тинчлик-тотувлик ва ҳамжихатликни тарғиб этиш мақсадида кенг қамровли ишларни амалга оширди.

Натижада 4 901 та (52 фоиз) маҳалла жиноятчиликдан, 2 930 таси (31 фоиз) оилавий ажралишдан, 1 795 таси (19 фоиз) ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилди. Аҳоли мурожаатларининг қарийб 80 фоизи маҳалланинг ўзида ҳал этиш тизими йўлга қўйилди. Маҳалла ободончилигини яхшилашда 208 та туман (шаҳар)да биттадан “Маҳалла

сервис компанияси” ташкил қилинди.

Мамлакатимиз мисолида илк мартаба “Аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни” мавзусида I халқаро конференция ўтказилди. Унда Янги Ўзбекистоннинг “маҳалла еттилиги” намунаси халқаро ҳамжамият эътиборида юксак баҳоланган ҳолда, Самарқанд декларацияси БМТнинг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида 194 та мамлакат аъзолари томонидан расмий ҳужжат сифатида қабул қилиниб, тан олинди ва тарқатилди.

Анжуманда жорий йилнинг май-июль ойларида ўтказиладиган сайловга қўриладиган тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида Республика штаби, 14 та ҳудудда ҳамда 208 та туман ва шаҳарда маҳалла раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар қошида Штаблар фаолияти йўлга қўйилди. 9 452 та маҳалладаги ишчи гуруҳлар (85 минг 150 нафар аъзолари) зарур воситалар билан таъминланди.

Февраль-март ойларида кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлари аъзолари ўқитилди. Ишчи гуруҳлар томонидан 208 та туман (шаҳар) кўмаклашувчи комиссияларнинг қарори билан 9 452 та маҳаллада вакиллар миқдори белгиланди. Унга кўра, сайловда 2 миллион 591 минг 823 нафар вакиллар иштирок этиши кутилмоқда.

Матбуот анжуманида сайлов кампаниясининг расмий белгиси ва шioriлари тақдими ўтказилди. Шунингдек, жамоатчилик фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари ўзларини қизитирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

ЖАРАЁН

ИССИҚХОНАЛАРНИ НАМУНАВИЙ ТАШКИЛ ҚИЛГАН МАҲАЛЛА РАИСЛАРИГА 100 ФОИЗ УСТАМА БЕРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 15-16 апрель кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида маҳаллаларда томорқачилик, туризм ва тиббиёт имкониятларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ қатор ташаббусларни илгари сурди. Айтиш керакки, бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси “Андижон тажрибаси” ўлароқ барча маҳаллаларда жорий этилади.

турибди. Балиқчи ва Олтинқўлда беш гектардан иссиқхона ташкил қилиниб, 100 та эҳтиёжманд оила даромадли қилинди. Иссиқхона камбағал оилаларга 10 сотихдан икки йилга ижарага берилган. Йилга уч марта ҳосил олиш ҳисобига ҳар бир оила 150-200 миллион сўмдан даромад топади. Тадбиркор кўчат, уруғ, ўғит ва ёқилғини етказиб бериб, ҳосилни ўзи сотиб олади. Бу ишлар камбағаллик юқори бўлган Улунор, Пахтаобод, Хўжаобод, Марҳамат ва Андижон туманларида ҳам йўлга қўйилди. Бундай замонавий иссиқхоналарни намунавий ташкил қилган маҳалла раисларига 100 фоиз устама берилади.

Маҳаллаларнинг туризм салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш



Жорий йилдан бошлаб томорқачилик фойдаланиш бўйича янги тизим ишляпти. Масалан, Асака туманидаги “Оташ” маҳалласидаги 810 та хонадондан 805 тасида иссиқхона бор, уларда йилга 3 марта ҳосил олинапти. Худди шундай, “Обод” маҳалласидаги 922 та хонадон эгалари иссиқхоналардан самарали фойдаланяпти. Вилоятдаги қолган 907 та маҳаллада ҳам бу тажриба татбиқ этилади. Шунингдек, Асакадаги маҳаллаларда йўлга қўйилган арзон уруғ ва минерал ўғит етказиб бериш тизими бутун республикада жорий қилинади. Бу орқали уруғ ва ўғит 15 фоизгача арзон сотилади.

Ўтган йили Андижонда камбағаллик даражаси 11,9 фоиздан 9,5 фоизга тушган бўлса-да, ҳудуд республикада 9-ўринда

нилади. Хусусан, Хонободдаги “Кампировот” маҳалласида 92 гектар ҳудудда туризм маркази ташкил қилинади. Бундай туризм масканлари Булоқбошидаги “Ширмонбулоқ”, Хўжаободдаги “Тошота” маҳаллаларида ҳам ташкил қилинса, қўшимча 1 миллион сайёҳни жалб қилиш учун барча имкониятлар бор. Ушбу маҳаллаларнинг мастер-режаси ишлаб чиқилиб, зарур инфратузилма харажатлари ҳал қилиб берилди.

Андижондаги 400 дан зиёд маҳаллада аҳолига туну кун хизмат кўрсатадиган хусусий тиббиёт пунктлари ташкил қилинди. Бу ерда қон босимини ўлчаш, укол қилиш, физиотерапия каби бирламчи оддий хизматлар кўрсатилади. Президентимиз бу тажрибани маъқуллаб, мутасаддиларга бу йил ушбу тизимни қолган вилоятлардаги қамада 100 тадан маҳаллада йўлга қўйишга топширик берди.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Жорий йилнинг май-июль ойларида бўлиб ўтадиган маҳалла раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган матбуот анжуманида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъуллари оммавий ахборот воситалари вакилларининг сайлов билан боғлиқ қуйидаги муҳим саволларига жавоб беришди.

НОМЗОДНИ КИМ КЎРСАТАДИ?

— Маҳалла раислари сайловида номзодлар ким томонидан кўрсатилади? Айрим оммавий ахборот воситалари номзодларни комиссия тайинляпти, деган хабарлар эълон қилди. Шу ҳақда тўхталиб ўтсангиз.

— Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади. Ишчи гуруҳ номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлайди ва туман (шаҳар) ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан қамада ўн кун олдин тақдим этади. Ҳужжатларга номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилиги илова қилинади.

Туман (шаҳар) ҳокими маҳалла раиси лавозимига номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади, ўзининг ушбу номзодлар бўйича асосланган ҳулосаларини кейинчалик ишчи гуруҳларга топшириш учун тегишли комиссияларга юборади. Ишчи гуруҳ ҳоким ҳулосасини олгач, номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан қамада беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўяди.

РАИСГА ГУВОҲНОМА БЕРИЛАДИМИ?

— Сайланган раисларга депутатлар синглири гувоҳнома ёки шунга ўхшаш тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиладими?

— Албатта. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, сайланган маҳалла раисига Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман (шаҳар) комиссиялари томонидан гувоҳнома ҳамда кўкрак нишони берилди.

Гувоҳнома фуқаролар йиғини раисининг ваколати ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Кўкрак нишони эса фуқаролар йиғини раисини тегишли ҳудудда раислик мақомига эга бўлган мансабдор шахс сифатида ажратиб турувчи белги саналади.

НОМЗОДНИНГ ҚАРИНДОШЛАРИ ИШЧИ ГУРУҲ АЪЗОСИ БЎЛСА...

— Комиссиялар ва ишчи гуруҳлар таркибидан номзодлардан бирининг яқин қариндошлари аъзо бўлиши мумкинми?

— Мумкин эмас, агарда киритилган тақдирда ҳам “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, номзодларнинг яқин қариндошлари комиссия, ишчи гуруҳи ва фуқаролар вакиллари таркибидан чиқарилади.

САЙЛОВДА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР КАТНАШАДИМИ?

— Сайлов жараёнларида ОАВ вакилларининг иштироки қандай бўлади. Аккредитациядан ўтиш керакми? Сайловда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан кузатувчилар иштирок этадими?

— “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни оммавий ахборот воситалари томонидан ёритиб борилиши белгиланган. Бироқ қонунчиликда мазкур сайлов жараёнларини ёритишда ОАВ вакилларининг аккредитациядан ўтиши тўғрисида ҳеч қандай мезёр белгиланмаган.

Сайлов жараёнини ёритишни истаган ОАВ вакиллари бир кун олдин Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман (шаҳар) комиссияларини хабардор этиш мақсадга мувофиқ. Боиси сайлов жараёни қанча давом этишини олдиндан тахмин қилишнинг имкони бўлмагани сабабли ОАВ вакиллари учун жой ҳозирланади.

Қонунчилик ҳужжатларида фуқаролар йиғини раиси сайлови жараёнларида кузатувчиларнинг иштироки таъқиқланган.



“Умуммиллий бирдамлик боғларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ХУКУМАТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



Ўзбекистон Хитой билан ҳамкорликда ҳароратни мўътадиллаштирувчи “АҚЛЛИ” ПЛЁНКА ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.



Тошкент шаҳридаги истироҳат боғларида синов тариқасида КИНОЛОГИЯ ПУНКТЛАРИ очилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

АЛИМЕНТ ТЎЛОВЧИГА ХОРИЖГА ЧИҚИШ УЧУН ТАЪҚИҚ БОРМИ?

Абдували ЭШИМҚУЛОВ.
Гулистон шаҳри:

— Яқинда хорижга чиқишни режалаштираётгандим. Бироқ Мажбурий ижро бюроси ходимлари фарзандимга алимент тўлаётганим боис узоқ сафарга рухсат беришмаяпти. Менга хорижга чиқиш паспорти берилмас экан. Аммо мен ҳар ой фарзандим учун белгиланган алиментни вақтида тўлаб келаман. Саволим шунки, алимент тўловчилар четга чиқиши мумкин эмасми?



Элдор ОҚБЎТАЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Гулистон шаҳар суди судьяси:

— “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунга кўра, қарздор мажбуриятини белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаганда давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Этибор берган бўлсангиз, қоидада “узрсиз сабаб” билан қарздор мажбуриятни бажармагандагина хорижга чиқишга таъқиқ қўйилиши айтимлоқда.

Бироқ қарздорга алимент мажбуриятини бажариш юклатилганда ижро ҳужжати чиқарилгандаёқ қарздорга таъқиқ қўйилади. Бир қарашда бу юқоридаги қонунга зиддек кўриниши мумкин. Лекин масалага иккинчи томондан қарайдиган бўлсак, бундай иш тутиш тўғрисидаги қўшимчимиз мумкин:

1. Алимент мажбурияти давомли мажбурият тоифасига киради. Яъни алимент тўловчи ҳар ойда белгиланган миқдорда алимент тўлаши керак.

2. Алимент бегона шахсга эмас, алимент тўловчининг вояга етмаган фарзандига тўланади. Шундай бўлса-да, статистик маълумотлар алимент тўловчи ўз фарзандининг таъминоти учун ҳам ўз мажбуриятини бажармайдиган ҳолатлар анчагина эканини кўрсатади.

Унутмаслик керакки, қарздор Ўзбекистон Республикасидан чиққандан сўнг, навбатдаги муддатда ўз мажбуриятини бажариш ёки бажармаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шунга кўра, ижрочилар хорижга чиқишга чеклов қўйишади. Бу ҳолатда сиз маъмурий судга шикоят қилиш орқали таъқиқни бекор қилишингиз мумкин.

МАНЗАРА



ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТДА ЧЕКЛОВ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

Ёшлар етакчилиги, аслида лавозим эмас, масъулият демакдир. Йигит-қизларнинг юрагида нима борлигини сезиш, уларнинг дарду муаммосига қулоқ тутиш, ҳар бирининг орзусига шерик бўлиш — менинг энг асосий бурчимдир.

Отажон МАНГЛИБОВ,
Хонқа туманидаги
“Ширин” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Ўзбекистон ёшлари — заминдан रिझқ излаб, ҳалол ноннинг қадрини биладиган, меҳнат билан улғу бўлишни ният қилган меҳнаткаш йигит-қизлардир. Худудда истиқомат қилувчи йигит-қизларнинг аксарияти деҳқончилик билан шуғулланади. Утган йили 51 нафар ёшга 9 гектар ер ажратилди. Ерлар ўртача 20 сотихдан тақсимланди. Шу мўъжаз ерда ҳалол меҳнат қилиб, мўл-кўл रिझқ топишга муваффақ бўлишди. Улар етиштирган помидор, бодринг, булғор қалампир, қарам каби экинлар йилда икки марта йиғим-терим қилинди ва 15 миллион сўмдан ортиқ даромад келтирди. Ёшларимиз ер билан дўст, улар ерни қадрлашни билади.

Маҳалламиз “яшил” тоифага

киради, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учрамаган. Негаки, ёшлар орасида илм-фанга, касб-хунарга, олий таълимга интилиш юқори. 270 нафар ёш олий таълим муассасаларида тахсил олаётган бўлса, қизлар орасида касб-хунарга қизиқиш катта. Хозирда 10 нафар қиз ҳамширалик курсида ўқияпти. Тикувчилик курсида бир нечта қизимиз малакасини ошириб, мустақил фаолият бошлаш арафасида.

Яқинда Лобар Тожибоева тикувчилик фаолиятини бошлади. Унга 50 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Бугун у икки нафар шоғирди билан бежирим кўйлақлар тикиб, маҳалладошлари орасида танилган. Аввал ишсиз ёш сифатида рўйхатда эди, бугун эса ўз даромадига эга бўлган тадбиркор.

Ёшларимизнинг кўплаб тақлиф ва ташаббуслари бор. Жумладан, улар имтиёзли кредит ажратишда мавжуд бўлган чекловларнинг олиб ташланишини истамоқда. Хозирги вақтда ҳоким ёрдамчилари орқали 18 фоизлик кредитдан фақат 100 миллион сўмгача олиш мумкин. Аммо ёшларимиз орасида 200-300 миллион сўмгача кредит олишни режалаштираётганлар кўпчиликини ташкил қилади. Банк кредитлари эса 25 фоиздан кам бўлмагани сабабли, ёшлар ҳоким ёрдамчиси орқали ажратилган кредитни афзал кўрмоқда.

Йигит-қизларнинг истакларини инобатга олиб, ушбу масала бўйича мутасаддиларга мурожаат қилдик. Хозирда бу тақлиф кўриб чиқилмоқда. Айниқса, логистика ва умумий овқатланиш йўналишида фаолият бошлашни истаган ёшлар учун 200 миллион сўмгача кредит зарур. Логистика йўналишида фаолият юритаётган бир маҳалладошимизда юк машинаси бор, у ишени кенгайтириш учун катта миқдорда маблагга муҳтож.

Ёшларнинг ҳар бир истаги, орзуси мен учун муҳим. Етакчи сифатида доимо улар билан бирга бўламан, уларни тинглайман, қўллаб-қувватлайман. Улар учун имкониятлар эшиги доимо очик бўлиши керак.



ИМКОНИАТ

ОДДИЙ ИШДЕК КЎРИНСА-ДА, АСЛИДА ДАРОМАДЛИ

Навбахор туманидаги “Сарой” маҳалласи ёшлар етакчиси Сайёджон Раҳматов оддий, лекин сердаромад йўналишида ўз ўрнини топган. У ўз хонадонидан инкубатор ёрдамида тухумлардан жўжа очирши орқали нафақат оиласига барака келтирмоқда, балки маҳалладош ёшларга ўрнак ҳам бўлаётир.



Сайёджон бу ишни бошлагач, бундай ишларга, биринчи навбатда, маҳалласидаги ишсиз юрган ёшларни жалб қилишни мақсад қилди. У жўжа парваришlash сир-асрорларини бошқаларга ўргатиб, бу соҳани янада ривожлантириш йўлида жонқуярлик билан ҳаракат қилмоқда. Натижада ундан илҳомланган яна икки нафар ёш бу ишни бошлаб, ўз уйда иккитадан инкубатор ўрнатди. Энди ҳар бир уйда ҳар 21 кунда 300 тадан 600 тагача жўжа очилиб, аҳолига тарқатилмоқда.

Бу оддий кўринган иш, аслида катта иқтисодий имкониятларга эшик очмоқда. Ҳар бир жўжанинг бозордаги баҳоси ўртача 25 минг сўмни ташкил қилади. Тухумдан чиққан жўжалар дори-дармон билан парвариш қилиниб, касал-риллагандан холи ҳолатга келтирилгачгина сотувга чиқарилади. Бу эса сифат ва ишонч дегани.

Қолаверса, шу пайтгача ҳеч бир мижоз улардан шикоят қилмаган. Аксинча, маҳалладаги кўплаб фуқаролар айнан шу тадбиркорларнинг жўжаларини олишни афзал билади. Даромад яхшилангач, оилалар кўшимча инкубаторлар олиб, ишни кенгайтиришди. Хозир бу тадбиркорлик нафақат бир оиланинг, балки бутун маҳалланинг ишсиз ёшларига имкон яратмоқда.

ФИКР

БИЛИМГА МУКОФОТ БОР, БИРОҚ ТИЗИМ-ЧИ?

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ёшлари халқаро фан олимпиадаларида тобора кўпроқ ютуқларга эришмоқда. Бу муваффақиятлар ортида юртимиздаги иқтидорли ўқувчиларнинг кучли салоҳияти, уларни тайёрловчи фидойий устозлар ва, албатта, давлат томонидан берилётган эътибор турибди.

Шахноза ХАЛИЛОВА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан очик мулоқотда белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармонида кўра, 2025 йил 1 июндан бошлаб, халқаро фан олимпиадалари ғолиб ва совриндорларига тўланадиган мукофотлар миқдори беш бараварга оширилиши белгиланди. Бу ўзгариш Ўзбекистон тарихидаги энг йирик рағбатлантириш чоралари қаторидан жой олди.

Янги тартибга кўра, энг нуфузли бешта халқаро олим-

пиада — математика (ИМО), биология (ИБО), кимё (ИЧО), физика (ИПҲО) ва информатика (ИОИ) йўналишларида:

- 1-ўрин (олтин) соҳибига — 937 миллион 500 минг сўм,
- 2-ўрин (кумуш) соҳибига — 562 миллион 500 минг сўм,
- 3-ўрин (бронза) соҳибига — 375 миллион сўм мукофот тўланади.

Шубҳасиз, бу рақамлар ҳар қандай ўқувчи ва устоз учун кучли илҳом манбаи бўла олади. Бироқ масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам борки, бу айрим саволларни туғдиради: бундай мукофотларнинг ортида қандай тизим турибди? Бу рағбатлар кимларга хизмат қилади ва уларни қандай кенг оммага ёйиш мумкин? Бугунги кунда халқаро фан



Мукофот миқдорининг кескин оширилиши, албатта, ёшлар учун улкан рағбат.



олимпиадаларида иштирок этаётган ўқувчиларнинг аксарияти айрим ихтисослаштирилган мактаблар, Президент, ижод ёки академик лицейлар тарбияланувчилари ҳисобланади. Улар учун махсус дарслар, индивидуал мураббийлар, хориждаги тренинглари, илғор ўқув адабиётлари мавжуд. Аммо оддий мактаб ўқувчиси учун бундай имкониятлар, афсуски, кўпичинча орзудек туюлади.

Яъни мукофотлар миллионлаб ўқувчилар орасидан чиқаётган фақатгина бир нечта яхши таълим муассасаларида ўқиётганларга наис қилади. Аслида, ҳар бир вилоят, туман, ҳатто ҳар бир мактабда иқтидорли болалар бор. Лекин уларни эрта аниқлаш, зарур билим ва кўникмалар билан таъминлаш, индивидуал тайёрловча жалб қилиш бўйича ҳали мувофиқлаштирилган тизим

мавжуд эмас.

Мукофот миқдорининг кескин оширилиши, албатта, ёшлар учун улкан рағбат. Бироқ бундай рағбатлар етарли натижа бериши учун улар барқарор ва адолатли тизим билан қўллаб-қувватланмоғи зарур. Энг аввало, иқтидорли ўқувчиларни эрта босқичда — 5-7 синфларданок аниқлаш ва уларга индивидуал ёндашув асосида йўналтирилган таълим бериш тизими жорий

этилиши лозим. Минтақаларда замонавий лабораториялар ва тажрибали мураббийларга эга махсус олимпиада марказларини ташкил этиш тенг имкониятларни таъминлайди.

Бундан ташқари, ҳар бир ғолибнинг ортида турган устозлар ҳам эътиборсиз қолмаслиги, уларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилиши шарт. Ниҳоят, олимпиада ютуқлари фақат бир марталик мукофот эмас, балки бу ёшларнинг илмий ва профессионал келажagini режалаштириш учун бошланғич нуқта бўлиши керак. Шу йўл билангина биз илм-фанни чинкам миллий устуворликка айлантира оламиз.

Халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ёшларни катта миқдордаги мукофот билан рағбатлантириш — бу орзу ва ҳаракат ўртасидаги кўп-рик бўла олади. Бу орқали жамиятга илмнинг қадри, машаққатли меҳнатнинг натижаси кўрсатиб берилади. Бироқ ялканма-якка натижалар билан бутун миллатнинг илмий салоҳияти ошмайди. Шундай экан, бу мукофотлар тизимини янада чуқурроқ ислоҳ қилиш, ҳар бир иқтидор эгасига имкон яратиш, устозлар меҳнатини қадрлаш ҳамда иқтидорли ёшлар келажagini ўз юртида қуришларига йўл очиш учун бошланғич кадам бўлиши керак.



Ўзбекистонда биологик фаол кўшимчаларни божсиз олиб киришга ЧЕКЛОВЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ.



Тошкент вилоятидаги айрим аҳоли яшаш ҳудудларидан ташқарида АВТОМОБИЛЬ ТЕЗЛИГИ 100 км./соатдан 80 км./соатгача пасайтирилди.



Ўзбекистонлик ҳарбийлар Покистондаги ХАЛҚАРО АРМИЯ УЙИНЛАРИДА биринчи ўринни эгаллади.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

ТАДБИРКОРЛАРГА СОЛИҚ ЕНГИЛЛИКЛАРИ БЕРИЛАДИ

Президентнинг 2025 йил 18 апрелдаги “Ишлаб чиқариш, экспорт ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва sanoat сийосати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосан, жорий йил 1 октябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи кўшимчаларсиз оқ шакарга нисбатан акциз солиғи бекор қилинади.



Амалда хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи кўшимчаларсиз оқ шакар учун акциз солиқ ставкаси 20 фоиз этиб белгиланган. Шунингдек, мазкур ҳужжат асосида йиғирма ва ундан ортик ишчиси мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда ижара тўловлари бўйича ҳисобланган солиқ суммалари 2025 йил 15 июлда ва 1 декабрда бўлиб-бўлиб тўланишига рухсат берилмоқда.

Бу жараёнда давлат раҳбарининг 2024 йил 27 декабрдаги “Тадбиркорлар учун тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида назарда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш учун ҳисобот давридаги тўқув (трикотаж мато, ил-газлама ва пайпоқ маҳсулотлари), тикув-трикотаж, пойабзал ёки чарм-атторлик маҳсулотларини реализация қилишдан тушган умумий тушуми ҳажмини аниқлашда, шартномага мувофиқ давал хомашёсини қайта ишлаш юзасидан кўрсатилган хизматлар бўйича олинган даромад ҳам инобатга олинади.

Маълумот учун, Президентнинг ушбу фармонида тикув-трикотаж, пойабзал ва чарм-атторлик sanoati йўналишларида ишлаб чиқариш фаолиятини юритаётган **тадбиркорлик субъектларига фойда солиғини 2 фоиз ва ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз ставкада тўлаш тарзидаги имтиёз назарда тутилган бўлиб,** мазкур имтиёзнини қўллаш учун ҳисобот даврида тўқув (трикотаж мато, ил-газлама ва пайпоқ маҳсулотлари), тикув-трикотаж, пойабзал ёки чарм-атторлик маҳсулотларини реализация қилишдан тушган умумий тушуми ҳамда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан **олинган даромаднинг камида 90 фоизини ташкил этиш зарур.**

Шунингдек, мазкур фармон билан умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига тўланган қўшилган қиймат солиғининг бир қисmini қайтаришда ушбу фаолиятдан олинган даромад товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромаднинг камида 80 фоизини ташкил этиши кераклиги белгиланди.

Эслатиб ўтиш лозимки, Президентнинг 2024 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосан, 2025 йил 1 январдан умумий овқатланиш корхоналарига ойлик товар айланмасидаги нақд пулсиз қисмидан келиб чиқиб тўланган ҚҚС бир қисmini қайтариш тарзидаги имтиёз берилган. Бу жараёнда ойлик жами товар айланмаси ҳажмида умумий овқатланиш хизматларининг умумий улуши 90 фоиз ва ундан ортик бўлиши белгиланган эди.

Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати

“СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ”

Туризм маркази имкониятни оширди, солиқ тушуми ортди



Санъат НАРЗИҚУЛОВ, Самарқанд туманидаги “Кониғил”, “Кўштамғали” ва “Пулмуғоб” маҳаллалари солиқ инспектори.

Менга бириктирилган маҳаллалар Самарқанд туризм маркази атрофида жойлашган. Бу ерда “Бокий шаҳар” мажмуаси, амфитеатр, замонавий меҳмонхоналар, Конгресс холл ва кўплаб бошқа иншоотлар бор. “Кониғил” маҳалласида қадимий Самарқанд қоғози ишлаб чиқарилади. Сайёҳлар марказига

ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. “Кўштамғали” ва “Кониғил” йиғини ҳудудидан ўтувчи “Тошкент–Термиз–Қарши” автомобиль йўли бўйида барчага маълум машҳур “Самарқанд нон” бозори кечяо кундуз харидорлар билан гавжум. Бу эса ҳудудда новвойчилик ривожланганидан дарак. Бундан ташқари, аҳолимиз боғдорчилик, деҳқончилик ва тадбиркорлик билан шуғулланиб, рўзгорини обод этяпти.

Айни пайтда ушбу маҳаллаларда 131 та юридик корхона, 121 нафар яққа тартибдаги тадбиркор, 196 та деҳқон хўжалиги,



Санъат Нарзиқулов Маҳалла тизими ходимлари кунда “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланди.

сарфлашга мажбур бўларди. Энди ҳар кун маҳаллаларда юриб, солиқ тўловчиларнинг қизиқтирган саволларига жавоб бераёلمиз. Натижада аҳолининг солиқ соҳасидаги билими ортиб, тўловларни ўз вақтида амалга оширяпти. Масалан, 20 апрелга қадар фуқаролар мол-мулк ва ер солиғи бўйича режадаги 371 миллион сўмнинг 300 миллион сўмини тўлашди. Бу борада “Soliq” мобил иловаси солиқ тўловчиларнинг энг ақин кўмакчисига айланыпти. Ушбу илова орқали қарздорлиги бор-йўқлигини ёки қачон, қанча солиқ тўлашини кузатиб бориши мумкин.



айланган ушбу манзилларга кунига беш юздан минг нафаргача, халқаро конференциялар ўтказиладиган вақтларда бундан ҳам кўп одам ташриф буюради. Шу боис асосий “драйвер” – туризм соҳаси ҳисобланади. Меҳмонхона, миллий ошхона ва бошқа кўплаб хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган. Биргина “Кониғил” маҳалласининг ўзида саксондан ортик уй меҳмонхоналари бор. Шунингдек, миллий либослар ва кулличлик маҳсулотлари

2 186 та мол-мулк ва ер солиғи тўловчиси бор. “Маҳаллабай” иш ташкил этилган, солиқ тушумлари ортди. Масалан, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тадбиркорлар сони 106 фоизга, солиқ тушумлари 30 фоизга кўпайди. Бир ойлик товар айланмаси бир миллиард сўмдан ортыпти.

“Маҳалла еттилиги” тизими йўлга қўйилмасидан олдин фуқаролар оддий тушунмовчилик юзасидан ҳам солиқ идорасига қатнаб, ортикча вақтини ва пулини

Ҳудудлар туризм марказига айланган, тадбиркорлик, касаначилик кенг ривожланиб, янги иш ўринлари яратилляпти. Натижада солиқ тушумлари кенгайиб, ҳар бир маҳалланинг бюджети ортыпти. Келгусида мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, уй меҳмонхоналари, савдо-сотик, маиший ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва умумий овқатланиш тармоқларини ривожлантираемиз.

ОБОДЛИК

ҲАР БИР УЙНИНГ ОСТОНАСИ ОЗОДА, ОБОД, КЎРКАМ

Ободлик кўнғилдан, қилган ишларимиз натижаси ва халқ розилигидан бошланади. “Обод” сўзини эшитганимизда кўз ўнгимизда ораста кўчалар, саранжом-сарингта масканлар, ўзбекона кадриятларимиз намоён бўлади.



Бу борада маҳаллаларда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида олиб борилаётган ишлар кўлами, натижалари барчани бирдек қувонтиряпти.

Бугунги кунда туманимиздаги 44 та маҳаллада 35 минг 875 та хонадон бўлиб, улардан 26 минг 629 таси “намунали хонадон” тоифасига қиради. Қолган 9 145 тасини ҳам шу мақомга етказиш учун 7 803 та хонадонда таъмирлаш ва бошқа ишлар амалга оширилди.

“Олчин” маҳалласида яшовчи Собировлар оиласи “намунали хонадон”лардан бири. Оила бошлиғи Эгамберди ака 60 га яқин зотли қорамолларни боқиб, йилгига 300 миллион сўм фойда оляпти. Ҳар йили ўнлаб оилаларга ёрдам кўрсатиб келади. У киши 2025 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Белгиланган режага кўра, шу кунга қадар 110 та кўп қаватли уйнинг 90 тасида таъмирлаш-тозалаш ишлари бажарилди. Бу ишлар давом эттириляпти.

“Ватан остонадан бошланади”, деган гап бор. Айнан остонани озода ва обод сақлаш мақсадида 604 та кўчада тозалаш, ободонлаштириш ишлари бажарилиши режалаштирилиб, ўтган даврда бу ишлар деярли якунига етди. 41 минг 357 метр квадрат майдонда пиёдалар юриш йўлаклари барпо этилди. Шу билан бирга, кўчаларни асфальтлаш, қумшағал бирикмаси тўша ишлари олиб бориляпти. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 271 километр қувур тортилиб, 17 километр тармоқ таъмирланди. 24 та янги ичимлик сув етказиб берувчи иншоот ўрнатилди.

Шунингдек, аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш учун 245 километр янги электр тармоғи тортилиб, 74 та янги трансформатор ўрнатилди. Муддати ўтган олти мингта эски симёғоч бетон устунларга алмаштирилди.

Барча маҳаллаларда фуқароларимиз ўз уйи, кўчаси, маҳалла обод бўлишига бефарқ бўлмасдан, бир ёқадан бош чиқариб, ишлаётганини қўриб, кўзинг қувнайди.

“Куч бирликда”, деган нақл бор. Ана шу кадриятларга содиқ қолган ҳолда биргаликда ҳаракат қилсак, албатта, юрт обод, Ватан фаровон, келажгимиз буюк бўлади!

Отажон ҚУРАМБОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Хонқа тумани бўлими бошлиғи.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

ШАРТНОМАНИ ОНЛАЙН РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ МУМКИНМИ?

Темура БЎРОНОВ,
Фарғона вилояти:

– Келгусида касаначилар билан шартнома тузиб ишламоқчиман. Шу боис ҳисоботда хатоларга йўл қўймастик учун уни онлайн рўйхатдан ўтказиш мумкинми?

Музаффар НАЗАРОВ,
Солиқ кўмитаси
бошқарма бошлиғи ўринбосари:

– Албатта. Иш берувчи ва касаначи ўртасида тузилган меҳнат, фуқаролик-ҳуқуқий ёки пудрат шартномалари Солиқ кўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида мажбурий тартибда иш берувчи томонидан рўйхатдан ўтказилади. Бунинг учун



my3.soliq.uz порталида “Касаначилар билан тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш” хизмати йўлга қўйилган.


Агар касаначи билан шартнома айнан шу интерактив хизмат орқали рўйхатдан ўтказилса, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ бўйича ҳисоб-китобнинг 7-иловасини тўлдиришда хатолик зузага келмайди.



Ўзбекистон 1 июндан хорижликлар учун "ОЛТИН ВИЗАЛАР" жорий қилади.



Тиш чўткалари, тагликлар ва бошқа "юқори хавфли" махсулотларни рўйхатдан ўтказиш БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Қишлоқ хўжалиги соҳаси тавakkалчиликлари суғурталашда давлат ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ яратилади.

ТАЖРИБА

Полмонлик Маманбой ота лолалари харидоргир

Қувасой шаҳрининг қўшни Қирғизистон билан чегара ҳудудида жойлашган "Полмон" маҳалласи аҳолиси томорқа миришкорлиги ҳамда боғдорчилик соҳасидаги ютуқлари билан танилган. Айни пайтда бу ерда 4 500 нафар қирғиз миллатига мансуб хамюртларимиз истиқомат қилади.

Муқимжон ҚОДИРОВ.

Маҳалла ҳокими ёрдамчиси Достонбек Назиров кўмагида кейинги уч йилда қарийб 100 та оилага 2,5 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Шахсий томорқа ер эгаларига 40 та мотокультиватор олиб берилди ҳамда 20 га яқин хонадон томорқасида иссиқхона барпо этилди. Бу йил маҳалла аҳли фаровонлигини юксалтириш мақсадида боғдорчилик,

чорвачилик ва йилкичилик йўналишида 40 та микролойиха ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Меҳнат фахрийси Маманбой Макситов 14 сотих ерда Нидерландия лолаларини парваришlash орқали йилига икки мартаба мўмай даромад олади. Кузда лола гули кўчати, баҳор фаслида эса тайёр гул сотилади. Маманбой отанинг лолалари жуда ҳам харидоргир.

— Ҳозирда лоланинг қизил, сариқ ва пуштисини етиштирамиз, жорий йилдан оқ ранглисини ҳам экишни



мақсад қилганмиз, — дейди тажрибали томорқачи. — Шу тарзда гулларимизни вилоят бўйлаб сотиш билан бирга, қўшни Қирғизистонга ҳам экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, олма, нок ва гилос мевалари етиштириш ҳамда асalarичилик оиланинг яна бир даромад манбаи ҳисобланади.

— Беш нафар фарзандим уйли-жойли ва барчасининг ўз даромади бор, — дея давом этади отахон. — Чолу кампир ушбу юмушларни соғлом ва жисмонан фаол бўлиш мақсадида бажарамиз.

Айтиш жоиз, бугунги кунга қадар Маманбой ота 10 нафарга яқин маҳалладошларига лола етиштириш сир-асорини ўргатди. Шу тарзда яқин истиқболда Нидерландия лолаларини етиштириш ҳам маҳалланинг асосий "драйвер"ларидан бирига айланса, ажаб эмас.

ЖАРАЁН

Вилоят ҳокими очик мулоқот ўтказди

Тошкент вилоятини ҳокими Зойир Мирзаев Чирчиқ шаҳар, Бўстонлик, Кибрай, Паркент ва Юқори Чирчиқ туманларида фаоллият юритаётган профилактика инспекторлари билан очик мулоқот ўтказди.



Абдулазиз МУСАЕВ, журналист.

Хизмат вазифини виждонан бажариб, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишда жонбозлик кўрсатган, намунали инспекторлар алоҳида эътироф этилди. Уларнинг ота-оналарига хурмат кўрсатилиди ва эсдалик совғалари топширилди.

Шундан сўнг профилактика инспекторлари томонидан мавжуд саволлар ҳамда муаммолари вазиятлар юзасидан таклиф ва уларнинг ечимлари ўрганилди. Тартиб-интизом, аҳолининг осойишталигини маҳаллада тўғри йўлга қўйиши борасида сўз юритилди. Шунингдек, жиноятчиликни эрта жилавлаш, профилактика инспекторининг ишини енгиллаштириш билан бирга, натижадорлигини ошириш масалаларига алоҳида тўхталди.

Айтиш мумкинки, вилоятда 136 та "қизил" тоифадаги маҳаллага шаҳар ва туман ҳокимлари, прокурорлари, ички ишлар органлари ва солиқ идоралари раҳбарлари номма-ном бириктирилган. Хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳудудларга замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатиш, 577 та хавфсиз кўчалар ва мингдан ортиқ хавфсиз йўлақлар ташкил этилганига аҳамият қаратилди.

Очик мулоқот тарзида ўтган учрашувда профилактика инспекторларининг хизмат фаолияти ва иш самарадорлигини оширишга оид таклифлари тингланди.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Фирибгарлар найрангига ёшлар кўпроқ алданяпти



"Университет" маҳалласида иш бошлаганимга кўп бўлмади. Шу боис ўтган бир ой давомида ҳудудини тўлиқ ўрганиб, жиноят содир этилишини мумкин бўлган сабабларини аниқладим.

Бахтиёр РИСБОЕВ, Олмазор туманидаги "Университет" маҳалласи профилактика катта инспектори.

Йигирма мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган йиғин ҳудудида 16 та кўп қаватли тураржойдан ташқари, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети ҳамда ушбу олий таълим муассасаси қошидаги академик лицей, шунингдек, 13 та талабалар тураржойи жойлашган. Кўриниб турибдики, бу ерда ёшлар билан кўпроқ ишлаш керак.

Ўрганишлардан маълум бўлдики, Талабалар шаҳарчасининг бир қисмини ташкил этган маҳалламизда талаба-ёшлар фирибгарлар тузоғига тушиб қоляпти. Қуни кеча бир талаба онлайн буюртма бериб, алданиб қолгани юзасидан мурожаат қилди. У дастлаб махсулотини қабул қилмасдан 100 минг сўм тўловни амалга оширган. "Uzum market" онлайн савдо платформаси никоби остидаги фирибгарлар пул тушмаганини айтиб, яна юз минг сўм ўтказишини

айтган. Шу билан пул ҳам, буюртма қилинган махсулот ҳам йўқ.

Афсуски, охириги пайтларда кўплаб ёшлар ҳуқуқий, молиявий ва ахборот технологиялари борасидаги билимлари етарли бўлмагани учун фирибгарларнинг турли хил найрангларига алданиб қоляпти. Бундай ҳолатлар кўпроқ онлайн буюртма бериш ва иш топиш жараёнида кузатиляпти. Яқинда икки нафар талаба киз онлайн иш топиб берувчининг ваъдаларига ишониб, ҳар бири олдидан 200 минг сўмдан пул ўтказиб беришган. Натижада иш ҳам, пул ҳам йўқ.

Бугун кибержиноятларнинг турли кўринишлари намоён бўляпти. Фуқароларнинг бундай фирибгарлар тузоғига тушиб қолмасликлари учун аҳоли ва ёшлар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг асл сабабларини тушунтириб бораёман. Бироқ тарғибот ва огоҳлантиришларимизга қарамай, айрим фуқаролар юқорида айтганимдек, бу борадаги билими етарли эмаслиги, арзон махсулотларга ёки ойлик маоши юқорилигига учиб, алданиб қолишяпти. Шу боис бир зум бўлса-да, тарғибот-тушунтириш ишларини тўхтатганимиз йўқ. Бу борада алоҳида телеграм

Бахтиёр Рисбоев Маҳалла тизими ходимлари кунда "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишонини билан тақдирланди.

гуруҳи очиб, махсус огоҳлантирувчи видеоқўланма ва видеороликлар жойлаб бораёман. Аҳоли гавжум жойларга махсус баннерлар ўрнатяпмиз.

Бизнинг асосий вазифамиз — ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш. Шу боис, одамлар гавжум бўладиган жойларга 34 та замонавий видеокузатув қурилмаси ўрнатилиб, Тошкент шаҳридаги Вазиятларни бошқариш ягона маркази ва Маълумотларни

қайта ишлаш марказига интеграция қилинган. Шунингдек, Миллий гвардия ва патруль-пост хизмати ходимлари иштирокида тунги навбатчилик гуруҳи ташкил этилиб, хавфсизликни таъминлаш чоралари кўриляпти.

Ҳудудда иккита интернет клуб фаолият юритяпти. Кузатишлардан маълум бўляптики, уларга кўпроқ ишсиз, ҳуқуқбузарликка мойил фуқаролар киришади. Республика миқёсидаги жиноятларнинг айримлари ана шундай фаолияти чекланмаган тунги интернет клубларда кузатиляпти. Шу боис уларнинг фаолиятини 23:00 га қадар белгилаш ҳамда кўриклаш хизматига улатиш таклифини бердик. Бундай "ташвиш тугмасини" жанжалкаш, нотинч оилалар хонадонига ҳам улатиш чораларини кўряпмиз.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, "маҳалла еттилиги" билан муаммоларини ҳал этиш чораларини кўряпмиз. Уйма-уй юриш тизими асосида нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган, руҳий касалликка чалинган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишляпмиз.

Бир сўз билан айтганда, жиноятчилик эмас, унинг олдини олиш билан курашяпмиз. Бу борадаги ишларимизни Президентимизнинг "2025 йилда республика маҳалла-ларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси билан уйғунлиқда олиб бораёман. "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, "маҳалла еттилиги"нинг ҳар бирига ўз йўналишига бўйича маълум вазифалар юклатилган. Энг муҳими, ҳуқуқбузарликларнинг туб илдизини барвақт аниқлаб, бартараф этиш чоралари кўриляпти.



Ҳаж сафарига кетса, маош сақланиб қоладими?

Ихтиёр УМАРОВ, Қашқадар вилояти:

— Фуқаро иш вақтида Ҳаж сафарига кетадиган бўлса, унинг қандай ҳуқуқлари бор? Бир ойлик сафар вақтида бўлганда унинг ойлик маоши сақланиб қоладими?



Муҳаммаданин ҚАРИМЖОНОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Меҳнат кодексига иш вақтида Ҳаж сафарига кетаётган ходимга бериладиган аниқ ҳуқуқ мустаҳкамлаб қўйилмаган. Сафар вақтида бўлганда унинг ойлик маоши сақланиб қолиниши ҳақида ҳам меъёр йўқ. Бироқ меҳнат қонунчилиги Ҳаж сафари учун ҳақи тўлик,

қисман ёки сақланмайдиган вақт беришни тақиқламайди. Иш бевучи ва ходим қонунда белгиланган тартибда буни келишиб олишлари етарли бўлади. Меҳнат ҳуқуқи узаро келишувни қўллаб-қувватлайди.

Ушбу вазиятда сизга учта вариантни таклиф қила оламиз. **Биринчи вариант.** Меҳнат кодексининг 240-моддасида назарда тутилган "иш ҳақи

қисман сақланадиган таътил"ни олиш. **Иккинчи вариант.** кодекснинг 241-моддасидаги "иш ҳақи сақланмайдиган таътил" олиб, Ҳаж сафарига боришингиз мумкин.

Учинчи вариант. кодекснинг 228-моддасига асосан, келишувга биноан таътиллаб жадвалини ўзгартириб, ҳар йилги меҳнат таътили даврида сафарга кета оласиз.

СУРАГАН ЭДИНГИЗ...



Ўзбекистон халқаро ислом академияси ХАЛҚАРО ИСЛОМШУНОСЛИК АКАДЕМИЯСИ этиб қайта номланади.



Аҳолининг кундалик ҳаётидаги саволларига сунъий интеллект асосида содда ва қулай шаклда жавоб берадиган ОНЛАЙН ПЛАТФОРМА яратилади.



Биринчи чоракда 8 миллиард 700 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция ўзлаштирилган, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 20 ФОИЗ КЎПРОҚ.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Маҳалла тизимида ишлаётганимдан доим ғурурланаман. Бир йилдан кўпроқ вақт давомида инсонларнинг оғирини енгил қилиб, қалбимда қандайдир хотиржамлик ҳис қиляпман. Ёрдамга муҳтож кексалар дуосини олиб, ногиронлиги бўлганларнинг кўзидаги қувончни кўриб, одам одамга чинакам тиргак бўлиши мумкинлигига гувоҳ бўляпман. Энг муҳими, халққа фойдамини тегяпти.



ХОТИРЖАМЛИК — ОДАМЛАРГА ЧИНАКАМ КЎМАК ВА НАФ ТЕГИШИДАН

Нариман БОЖБАНОВ, Кониҳек туманидаги “Уштобе” маҳалласи ижтимоий ходими, “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони совриндори.

Иш жараёнида хонадонларни айланиб юрар эканман, имкон қадар ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қиламан. Ҳамнинг кўнглини бирдек олиш қийин, албатта. Лекин аҳоли биздан кўп нарса талаб қилмайди. Айримлар гарчи имконияти чекланган бўлишига қарамай, тақлиф этилаётган хизматларни рад этишадди. Ички ғурур, андиша каби туйғулар бунга йўл бермайди.

Яқинда Камбағаллик реестрига киритилган бир оила билан ишладик. Йигит кунлик юмушлар ортидан топаётган даромади эвазига аранг рўзгор тебратаетган экан. Келин Навоий давлат педагогика институтининг 3-босқич талабаси. Ўқишига яқин ҳудудда дугоналари билан ижара асосида яшайди. Бир нафар фарзандини ўзи билан олиб кетган. Кўёнинг ота-онаси хали нафақа ёшига етмаган бўлса-да, вақтинчалик ишсиз. Хонадон вакиллари яшаш шароитини яхшилаш мақсадида

Айни вақтда кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларни санаторийда дам олишини таъминлаш мақсадида онлайн навбатга қўйиш тизими жорий этилган. Назаримда, уни бироз такомиллаштириш керак.

Йигитни уйи яқинидаги мактабга ишга жойлаштирдик. Айни вақтда уч кунда бир навбат асосида коро-вуллик қилса, бошқа вақтда мавсумий ишлардан даромад топишни давом эттиряпти. Ота-онаси ҳам ўзининг 3-4 бош қўйига қўшиб, кўшнларнинг мол-ҳолини боқиб, озми-кўпми, пул топишга ҳаракат қиляпти. Кўрсатилган хизматлардан сўнг оилани камбағаллик рўйхатидан чиқаришга эришдик. Айни вақтда маҳалламизда 53 нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилади. Кам таъминланган оилалар — 24 та. 11 та Камбағаллик реестрига киритилган хонадоннинг 4 тасини мазкур рўйхатдан чиқаришга эришдик.

Бундан ташқари, 17 нафар боқувчисини йўқотган ёлғиз оналарга ҳам ҳар жиҳатдан кўмак кўрсатиб келиняпти.

Жорий йил бошидан буён 5 та кейс очилган бўлиб, уларнинг ҳар бирига комплекс хизматлар кўрсатилди. Хусусан, кекса бир аёлнинг навбатга қўйиш тизими баҳолаш ўтказилгандан кейин маълум бўлдики, у 2011 йилда тузилган набираси билан бирга яшар экан. Болага оталик белгиланмаган, онаси эса бошқа турмуш қилиб кетган. Эътиборсизлик сабаб вояга етмаган бу шахсга қонуний вакил тайинланмаган. “Инсон” маркази юристлари ва масъул ходимлари кўмаги билан аёлга барча зарур ҳужжатларни тўплашга ёрдам берганимиздан кейин у набирасига васий этиб тайинланди. Ҳар иккиси тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағи ҳисобига уйи таъмирдан чиқарилиб, янги эшик ва ромлар ўрнатиб берилди. Набираси спортнинг волейбол тури ҳамда инглиз тили тўғрақларига жалб қилинди. Қолаверса, ҳомиёлар кўмагида озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилляпти. Онахон уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб турганимиздан беҳад миннатдор.

Агар эътибор берган бўлсангиз, охириги вақтда шифокорлар айрим

хасталиклар сабаб чақалоқларча уқалаш муолажасини тавсия этишяпти. Худудимизда ҳам мазкур тиббий хизмат турига бўлган талаб жуда юқори. Лекин мутахассис йўқлиги боис айримлар 230 км. узоқликдаги туман марказига боришга мажбур бўляпти. Масофа олис бўлганидан кейин сарф-харажат ҳам ортиши аниқ. Бир нафар боланинг 10 кунлик уқалаш муолажасига тахминан 1 миллион 500 минг сўм атрофида пул керак бўляпти. Маблағи етмаганлар эса иложсиз. Мазкур муаммога ечим топиш мақсадида ҳоким ёрдамчиси билан бирга ишсиз юрган хотин-қизлар орасидан номзодларни топиб, мономарказда уқалаш бўйича мутахассис қилиб ўқитмоқчимиз. Умид қиламизки, бу қўлпаб фуқароларнинг оғирини енгил қилади.

Шу ўринда бир таклифни илгари сурмоқчиман. Айни вақтда кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларни санаторийда дам олишини таъминлаш мақсадида онлайн навбатга қўйиш тизими жорий этилган. Назаримда, уни бироз такомиллаштириш керак. Бунда эр-хотин учун битта йўланма шакллантирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунда ҳозир юзага келаётган алоҳида-алоҳида навбат келишининг олдини олган бўлар эдик.

ЛАВҲА

Интиланган инсонга ҳеч нарса ғов бўлолмайди



Бу ҳаёт бизга омонат. Уни қандай яшаб ўтиш ўзимизга боғлиқ. Гарчи жисмонан соғлом бўлса-да, жамиятда ўз ўрнини топа олмаганлар қанча? Тўрт мучаси бутун бўла туриб, идорама-идорама ёрдам сўраб юрганлар-чи?

Азизбек МАШРАБОВ, журналист.

Аммо шундай инсонлар борки, имконияти чекланган бўлишига қарамай, умрининг ҳар бир лаҳзасини олий инъом деб билади. Яримтагина вужуди билан тиним билмай меҳнат қилади. Ҳар бир кунига шукрона айтади. Ногиронлиги бўлса-да, амалдорларнинг эшиги олдида сарғайиб, кўмак сўрашни ўзига ор билади.

Бугун биз хикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонлар “Водий” маҳалласида истиқомат қилишади. Улар билан учрашни мақсадида йўл четига кўп қаватли уйларнинг орқа томонидаги тикув шеҳи олдида тўхтадик. Ун бир нафар имконсизликдан имкон топаётган инсон шу ерда фаолият олиб боришади. Баъзиларнинг уйдан бир километр олис, лекин ёзининг иссиғида ҳам, қишининг совуғида ҳам ишини қанда қилмайди.

Қаҳрамонларимиз Денов туманидаги “Саодат Денов текстиль” корхонасида ишлаб, ўз имкониятларини кўрсатаяпти, оиласига даромад олиб қириятти. Кимдир фарзандининг таълим олишига сармоя киритаётган бўлса, бошқаси кредитга олган уйининг қарзларини тўлаяпти.

Корхона раҳбари Зарина Тошмуродованинг сўзларига қараганда, яна 3 нафар ходими ҳаракатлана олмагани сабаб уйда кўрпа қавши билан шугullanар экан. Келиб кетиши ва ишлаши учун барча шароит яратилган.

— Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгандан бери бизга эътибор кучайди, муаммоларимиз ижобий ҳал қилинмоқда, — дейди корхона раҳбари Зарина Тошмуродова. — Ўтган йил декабр, жорий йил март ойларида Агентликнинг вилоят бошқармаси томонидан “Имконияти чекланган шахслар ишлаб чиқарган маҳсулотлар” савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбир доирасида 6 миллиард сўмлик шартнома имзоладик. Ҳозир қўлимиз-қўлимизга тегмай, маҳсулотларни тикиб, харидорларга етказаямиз. Олдин бундай ярмаркалар ўтказилган, лекин бугунгидек эътибор бўлмаган. Шунчаки, қозғоқчилик учун ташкил этиларди. Бундан ташқари, туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳам доимий кўмакчимиз. Улар ногиронлиги бўлган аёллар учун янада кўпроқ иш ўринлари очишимиз учун субсидия олишга ёрдам беришяпти.



Гулноза Юсупова цех ходими. У бир ярим йилдан бери ушбу корхонада ишлайди. Ўзи ва турмуш ўртоғи иккинчи ғуруҳ ногирони.

— Мен бу ерда ишлаётганимдан жуда хурсандман, — дейди Гулноза Юсупова. — Узоқроқ маҳаллаларга бориш имконсиз эди. Уйимизнинг олдида шундай тикувчилик цехи очилганини эшитиб, дарров ишга кириб олдим. Ходимлар учун ҳамма шароитлар яратилган. Қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарсангиз, шунча кўп ойлик оламиз. Менинг ўртача даромадим — икки миллион сўм. Корхонамизда мен каби ногиронлиги бўлган инсонлар кўп. Ҳамма ўз ишининг устаси.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар эпкинги Гулноза каби инсонларга кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

ЭЪТИБОР

“Ғамхўрлик гуруҳлари” — янги имконият ва мустаҳкам пойдевор!

Вазирлар Маҳкамасининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олишларини ташкил этиш ва уларни реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда бундай тоифадаги болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ишлар қизғин паллада.

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, журналист.

Мазкур қарорга мувофиқ, Тошкент вилоятидаги 5 та ихтисослаштирилган таълим муассасасида 6 та “Ғамхўрлик гуруҳи” ташкил этилди. Ушбу гуруҳлар жами 41 нафар болани камраб олган бўлиб, уларнинг таълим, тарбия ва ижтимоий мослашувига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Ташаббус доирасида Оҳангарон шаҳридаги 7-сонли ихтисослаштирилган мактабда ҳам “Ғамхўрлик гуруҳи” фаолият юритмоқда. Унга шахар ва туманлардан болалар жалб этилган бўлиб, уларнинг мослашув жараёни ижобий йўналишда кечмоқда.

— “Ғамхўрлик” гуруҳининг мақсади — ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қабул қилинмайдиган, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни парваришлаш, таълим-тарбия бериш ҳамда уларнинг жамиятга мослашишига кўмаклашидан иборат, — дейди мазкур мактаб психологи Шаҳноза Наврўзова. — Дастлабки кундаги ҳаяжон ва бегоналик ўрнини ҳозирга келиб дўстона муҳит эгаллади. Бу эса болаларнинг шахсий ривожланишида муҳим омили саналади. Янги ташаббус ота-оналар томонидан ҳам қатъта мамнуният билан қўллаб-қувватланмоқда.



Гуруҳ аъзолари турли машғулотлар, психологик тренинглар орқали ўз қобилиятини намоён этмоқда. Улар учун сифатли овқатланиш, дам олиш ва машғулотлар ўтказиш учун зарур шароитлар яратилган. Мақсад — ҳар бир болага имконият бериш ва уларнинг ҳаётига мустаҳкам пойдевор яратишдан иборат.

ТАҚДИРЛАР

Жондор туманидаги “Мустақиллик” маҳалласида истиқомат қилувчи Мадина Файзиеванинг оиласи узоқ йиллар давомида турли муаммолар билан яшаб келган.



Эътибор эртанги кунга ишонч уйғотди

Ўғли Темурбекнинг эшитиш ва нутқида нуқсон пайдо бўлиши, доимий даволашниларга қарамай, ижобий натижа бермагани оилани янада қийин аҳволга солди. Шундай вақтда комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим Бехруз Ҳамидов оиланинг ҳолатини чуқур ўрганди ва индивидуал хизматлар режаси ишлаб чиқди.

Натижада Мадина опанинг қизига тикув машинаси олиб берилиб, бандлиги таъминланди. Оилага болалар нафақаси тайинланди. Темурбекка эшитиш мосламаси олиб берилди ва махсус мактаб-интернатга жойлаштирилди. “Аёллар дафтари” жамғармаси орқали моддий ёрдам ажратилди. Темурбек параспорт ва компьютер тўғрақларига жалб этилди.

Кўрсатилган кўмаклар натижасида оиланинг ҳаёт тарзида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ижтимоий ходимнинг эътибори, тушуниши ва амалий ёрдами бир оиланинг эртанги кунига ишончини қайтарди.



Антикоррупцион нозорат самарадорлигини ошириш бўйича ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ ўтказилади.



Тошкент давлат педагогика университети ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИга айлантирилади.



Ҳаж тadbирларига борувчи фуқароларнинг ягона электрон навбатини ўзида акс эттирувчи ҲАЖ ВА УМРА ЯГОНА ПОРТАЛИ ишлаб чиқилади.

МАНЗАРА

ТАДБИРКОР БЎЛИШГА, КАСБ-ХУНАР ЎРГАНИШГА ИШТИЁҚМАНД АЁЛЛАР КЎП

Худудимизнинг гўзал табииати, мусоффо ҳавоси ҳамisha сайёҳларни ўзига жалб қилиб келган. Эрта баҳордан то кеч кузгача қишлоғимиздан меҳмонлар қадами узилмайди. Айримлар тарихий “Имом ота” зиёратгоҳини кўриш истагида келса, бошқалар тоғ ён бағридаги тоза ҳаводан мириқиб нафас олиш ҳамда юқори нафас йўллари касалликларига даво илинжида ташриф буюришади.

Разнохон КАРИМОВА, Ҳўжабод туманидаги “Тош ота” маҳалласи хотин-қизлар фаоли, “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони соҳибаси.

фаолият олиб бориш ортидан рўзгорига муносиб ҳиссасини қўшишга уринапти.

Наргиза Тоирова беш йилдан буён яқка тартибдаги тadbиркор сифатида фаолият юритиб келмоқда. Турмуш ўртоғи ва фарзандларининг кўмаги билан йилдан-йилга иш кўламини кенгайтиряпти. Қолаверса, маҳалла тавсияси билан олаётган имтиёзли кредитлар унга катта дастак бўляпти. Маблағ эвазига меҳмон уйида барча шароитларни муҳайё қилган. Дам олиш учун келган меҳмонларга шинам хоналар ҳозирланган. Болалар ўйингоҳи замонавий тарзда жиҳозланган.

Маҳалламизда шу тарзда ўз устида ишлаётган, тadbиркор аёллар жуда кўп. Лекин,

шу билан бирга, бандлигини таъминлашга кўмаклашишимиз керак бўлган хотин-қизлар ҳам мавжуд. Жорий йилда ўтказилган хатлов жараёнидан кейин “Аёллар дафтари”га 72 нафар хотин-қизни қиритдик. Уларнинг 45 нафари ишсизлар бўлиб, шу кунга қадар 30 фоиздан кўпроғи турли соҳаларда фаолият юритишни бошлаб юборган. Жараёнда кўпроқ ўзини ўзи банд қилиш, кредит ва субсидия бериш орқали тadbиркорлигини йўлга қўйиш ҳамда касб-хунарга ўқитиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Қолаверса, худудимизнинг “драйвер”идан келиб чиқиб, ёшларни туризм йўналишига жалб қиляпти. Бу келажакда муносиб кадрлар етишиб чиқishi, маҳалламизнинг янада гуллаб-яшнаши учун замин яратиши шубҳасиз.

Аёллар орасида тикувчиликка қизиқадиганлар ҳам топилади. Хусусан, Элмира Дусановага субсидия асосида тикув машиниси олиб берилгач, парда тикишни йўлга қўй-



Тобора тонгги юриш машқлари анъана тусига кириб борапти. Учрашув ва тadbирларда жисмоний фаоллик инсоннинг ҳар жиҳатдан соғлом ҳаёт кечирishiга замин яратиши мисоллар ёрдамида тушунтириляпти.



ди. Қизлари онасининг доимий ёрдамчиси. Бири тикишга кўмаклашса, бошқаси сунъий гуллар ясашга қизиқди. Элмира опа энди маҳалладаги ёш қизларни шоғирдикка олиб, соҳанинг сир-асрорларини ўргатишни ният қилган. Жорий йилда хотин-қизлар

орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Хусусан, туғуруқ ёшидаги аёлларни мунтазам тиббий кўриқдан ўтказяпти. Хонадонма-хонадон кириб, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида батафсил

тушунтиришлар берияпти. Қолаверса, эрталабки юриш машқлари анъана тусига кириб борапти. Учрашув ва тadbирларда жисмоний фаоллик инсоннинг ҳар жиҳатдан соғлом ҳаёт кечирishiга замин яратиши мисоллар ёрдамида тушунтириляпти.

Кунлар исиб, мавсум бошланганидан буён одамларимиз ҳаракатга тушиб қолган. Айниқса, хотин-қизларнинг юмушлари қизгин паллага чиққан. Худудимиздаги 637 нафар меҳнатга лаёқатли опа-сингилларимизнинг кўпчилиги 50 дан зиёд дала ҳовли тарзида ташкил этилган меҳмон уйларида банд. Миллий таомлар тайёрлаш, тозалаш ҳамда савдо расталарда

ЖАРАЁН

ЮЗДАН ЗИЁД ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги “Қувасой чинниси” кичик саноат зонасида жойлашган “Ellycardin tekstil” масъулияти чекланган жамиятида юз турдан ортиқ аёллар шарф-рўмоллари тайёрланиб, ўнга яқин давлатларга экспорт қилинмоқда.



Муқимжон ҚОДИРОВ, журналист.

Утган йили 1 миллион доллардан ортиқ маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 2 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

2022 йилда 3 миллион доллар хорижий инвестиция жалб этилиши ҳисобига ташкил этилган қорхонада олти йиллик доимий ҳамда олти йиллик мавсумий иш ўрни яратилган. Туркия технологияси асосида ишловчи қорхонада миллий услубдаги, шу билан бирга, Осиё, Яқин Шарқ мамлакатлари буюртмаси асосида маҳаллий иқлим шароитига мос бўйинбоғ ҳамда рўмоллар тайёрланади.

— Истиқболли лойиҳа доирасида яна 3 миллион доллар хорижий инвестицияни киритиш орқали қўшимча бино қуриш, юздан зиёд янги иш ўринлари яратиш режалаштирилмоқда, — дейди қорхона раҳбари, “Шуқрат” медали соҳибаси Машхура Акрамова. — Бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш ҳамда экспорт географиясини кенгайтириш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Қорхонада туркиялик мутахассис ҳамда маҳаллий дизайнерлар гуруҳи жаҳон бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб, мунтазам равишда янги дизайн нусхаларини яратиш устида изланишлар олиб боради. Шунингдек, дуал таълим тизими асосида “Камбағал оилалар реестри”да турувчи хотин-қизлар бепул касб-хунарга ўқитилиб, юқори даромадли иш билан таъминланмоқда.

МУЛОҲАЗА



“ОҚИЛА АЁЛЛАР ҲАРАКАТИ” АЪЗОЛАРИГА МОДДИЙ РАҒБАТ БЕРИЛСА...

Қайси жабҳада бўлса ҳам инсон қўллаб-қувватланса, қилаётган меҳнати қадрланса, ишлашга бўлган иштиёқи ортиб бораверади. Айниқса, сўнги йилларда маҳалла тизимига қаратилаётган эътибор самараси ўларок, аҳолига ҳар жиҳатдан кўмак кўрсатаётган ходимлар эътироф этиб келинмоқда. Жорий йилда улар қатори менга ҳам “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони берилгани зиммамга катта ишонч ва масъулият юклади.

Ойсара ЭРҒАШЕВА, Арнасой туманидаги “Олтин водий” маҳалласи хотин-қизлар фаоли, “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони соҳибаси.

Аслида, халқ билан ишлайдиган киши ҳар жиҳатдан ҳаммага ўрнатилган бўла оладиган, оиласи намунали, фарзандлари тарбияли бўлиши керак. Назаримда, тизимда фаолият олиб бораётган ҳар бир ходим шу жиҳатларни ўзида намойён қилишга ҳаракат қилади. Устида кўпроқ ишлайди, одамлар билан мулоқот чоғида мулоҳазакорлик билан муаммоларига ечим топишга уринади. Зеро, аҳолини фаровонлик сари етаклаш осон эмас, бу йўлда фақат фидокорлик ҳамда жонкуярлик талаб этилади.

Маҳалламизда ҳозирги кунда 1 705 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилиги киш-



Ҳозирги кунда худудларда фаолият олиб бораётган “Оқиладар ҳаракати” аъзоларига қисман моддий рағбатлантириш белгиланса яхши бўларди.

лоқ ҳўжалигининг турли йўналишларида меҳнат қилиб келмоқда. Жумладан, томорка ва иссиқхонада полиз экинлари етиштириш, гулчилик, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ортидан рўзгорини бут қилиб, яхшигина даромад топишяпти.

Момоҳол Бўриева оиласи айни вақтда “Сайхунобод тажрибаси” асосида хонадонидagi 4 сотихли томорқадан унумли фойдаланиб келяпти. Бундан ташқари, асаларичилик, паррандачиликдан анча йиллик тажрибага эга. Икки-уч йил аввал қизиқиш сабаб икки бош куён сотиб олганди. Қисқа фурсат ичида улар ўзидан кўпайиб, элликтан ошиб кетди. Шунда худудимизнинг онлайн платформасида уларни сотишга ёрдам бердик. Бу жонзот жуда баракали бўлар экан. Сотгани сари ўрни тўлиб бораверади. Момоҳол опанинг қўшнисини Уғилой Абдураҳмонова ҳам шу фаолият турига қизиқиб қолиб, куён харид қилганди. Орадан кўп вақт ўтмай, 20 тадан ошиб қолибди. Узгача иштиёқ ва мароқ билан меҳнат қиляпти. Агар куёнларнинг нархи вазнига қараб 30 минг сўмдан 80 минг сўмгача боришини ҳисобга оладиган бўлсак, келадиган фойда ҳам чакки бўлмаслиги аниқ.

Назира Маматова 2023 йилда “Аёллар дафтари”га киритилган бўлиб, имтиёзли равишда 33 миллион сўм кредит олган эди. Маблағ эвазига керакли асбоб-ускуналар харид қилиб, миллий хунарманд-

чиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. 5 нафар шоғирди билан бирга миллий услубдаги чопон, камзул тикиш ҳамда куракчилик билан шуғулланишга алоҳида урғу берган.

Жорий йилда “Аёллар дафтари”га 138 нафар хотин-қиз киритилган бўлиб, уларнинг 92 нафарини ишсизлар ташкил этади. Шу кунга қадар 20 нафарини қоп тикадиган қорхонага жойлаштиридик. 8 нафар аёл тadbиркорлик қилиш мақсадида кредит олишни мақсад қилган.

25 та хонадон вакиллари пилла боқишни йўлга қўйган. Улар бир ой давомида ишлаб, 4-6 миллион сўмдан кўпроқ даромад топишга эришди. Томорқаси ва чорва молларига қараб, бўш вақтида қўшимча даромадга эга бўлиш истагидигилар тобора ортиб бормоқда.

Маҳалладаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида бир таклифни киритмоқчиман. Аниқроқ айтадиган бўлсам, ҳозирги кунда худудларда фаолият олиб бораётган “Оқиладар ҳаракати” аъзоларига қисман моддий рағбатлантириш белгиланса, яхши бўларди. Сабаби, уларнинг кўпчилиги анча кексайиб қолишган, қолаверса, оиласи ва шахсий юмушларидан ортиб, оилавий можароларни ҳал қилишга вақт ажратиб келишади. Агар қилинган ишга қараб, ҳақ тўлаш йўлга қўйилса, натижадорлик янада ортган бўларди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Умида МУРОДОВА, Хоразм вилояти:

— Судга муурожаат қилганда кимлардан давлат божи ундирилмайди?

Кимлар давлат божидан озод қилинган?



Ирода ҲИҚМАТОВА, Хива туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳуқуқий масалаларда эксперт маслаҳатчиси:

— “Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонунига айрим ўзгартиришлар киритилган.

Жумладан, таъйик ва зўравонликка учраган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бериладиган аризалар, шикоятлар ва давволар, оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ҳамда оилалар манфаатларини кўзлаб берилган давволар, аризалар ва шикоятлар билан судга муурожаат қилинганда давлат божи ундирилмайди.



Париж Олимпиадаси ғолиби **ЛАЗИЗБЕК МУЛЛАЖОНОВ** Панама вакили Марвин Мендосани нокаут ҳисобига мағлуб қилди.



От спорти: **БЕКЗОД ҚУРБОНОВ** жаҳон кубогида учта олтин медалга эга чикди.



Ўзбекистон терма жамоаси **ХОККЕЙ БЎЙИЧА** катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг IV дивизион беллашувларида ғолиб бўлди.

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!

“СКАНДИНАВЧА ЮРИШ” — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ МУҲИМ БЎЛАГИ

Саломатликини тиклаш ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш учун ҳар биримиз доимо ҳаракатда бўлишимиз, спорт билан шуғулланишимиз даркор. Жумладан, спортнинг оммавий турлари ҳаётимизнинг узвий қисмига айланмоғи лозим.

Иброҳимжон ЮСУПОВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Енгил атлетика назарияси ва услубияти кафедраси профессори.

бузилиши (семириш, иккинчи тур қандли диабет, метаболлик синдром, остеопороз), таянч-ҳаракат аппарати, асаб касалликлари (Паркинсон касали, руҳий тушкунлик, деменция) да яхши самара беради.

Бу спорт тури умуман шуғулланмаган кишиларга ҳам тўғри келаверади. Унинг ёрдамида улар жисмоний юкка осон ўрганади, аста-секин унинг ҳажмини ошириб боради, чидамли, бардошли бўлади.

“Скандинавча юриш” мушакларни янада кўпроқ ва омилкорлик билан машқ қилдиради. Оддий юришда юк фақат оёққа тушади, шимолча юришда эса юқори гуруҳ мушаклар — қўлнинг елка белбоғига, орқа елка, қорин мушаклари ишлайди. Шу боис умуртқа дам олади — юк ундан таёқларга тушади. Бу, айниқса, семиз кишиларга, радикулит ва остеохондроз билан азобланиётганларга жуда муҳим. Чунки улар учун оддий юриш қувонч бағишламайди: тез чарчади, умуртқада ва оёқларида оғриқ пайдо бўлади.

Кайд этилганидек, “скандинавча юриш” таянч-ҳаракат аъзолари профилактикаси ва касаллигини даволашда қўлланади. Оддий юришга нисбатан таёқлар ёрдамида юриш юрак уришини дақиқасига 10-15 тага оширади, юрак қон-томирларини самаралироқ машқ қилдиради. Шунингдек, ўпкаси хаста кишилар учун фойдали. Унинг ёрдамида та-



СПОРТ

нага энг қулай ҳолатда кислород етказилиш таъминланади. Ортиқча вазндан қутулишга ёрдам беради.

Британиядаги “National Health Institute” тадқиқотлари-га кўра, бу услубда шуғулланган аёллар 18 фоизга, эркеклар 21

фоизгача калория йўқотади.

Ва ниҳоят, таёқлар ёрдамида сайр қилишнинг ўзи — жуда катта лаззат олишдир. У танада “бахт гормонлари” — серотонин ва эндорфин ишлаб чиқаради, бу ақлий қобилиятни фаоллаштиради.

“Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Президент қароридан бу йўналишда зарур вазифалар белгиланган. Унга кўра, юриш спортнинг устувор тури сифатида танлаб олинган. Шу боис кейинги пайтларда у маҳаллалар кесимида соғлом турмуш тарзининг энг муҳим таркибий қисми сифатида янада оммалаштириляпти. Айниқса, мамлакатимизда “скандинавча юриш” билан шуғулланувчилар сони кўпайиб борапти. Дарҳақиқат, бу услубда юришнинг соғлиқни тиклашдаги самараси катта. Скандинавия таёқларида юриш кам ҳаракатли ҳаёт тарзининг олдини олади ва касалликларни даволаш дастурига қўшимча, самарали усул ҳисобланади. Мисол учун, унинг инфаркт, миокард ёки юрак қон-томир касалликлари билан оғриган беморларга жуда фойдали экани илмий асосланган. Буларга юрак қон-томир касалликлари (юракнинг томир сиқилиши, қон босими), нафас олиш органлари касаллиги (сурункали нафас йўлларининг яллиғланиши, бронхит), модда алмашинуви

ЭСЛАТМА!

Тананинг меъёрда ишлаши учун витаминлар зарур ҳисобланади. Бироқ уларнинг қай бири танада қандай вазифа бажаришини биласизми?

ВИТАМИНЛАР ИНСОН ТАНАСИДА ҚАНДАЙ ВАЗИФАНИ БАЖАРАДИ?



А витамини хужайраларнинг ривожланиши, терининг кўркамлиги, сочлар гўзаллиги, тирноқлар саломатлиги, кўриш қувватининг кучли бўлиши, суяклар мустаҳкамлиги, юрак-қон томир, нафас олиш ва репродуктив тизимларнинг яхши ишлаши ва ташқи таъсирлардан ҳимояланишни таъминлайди.

Ушбу витамин сабзи, цитрус мевалар, жигар, пишлоқ, творог, сўт, тухум, балик ва кўкатларда кўп бўлади.

Д витамини танада кальций ва фосфорнинг сўрилишини тартибга солади. Шунингдек, у суяклар мустаҳкамлиги, қоннинг меъёрда ивувчанлиги, шамоллашдан ҳимояланиш, захарли моддаларнинг танадан чиқиб кетиши, яхши кайфият ва юрак-қон томирлар саломатлиги учун зарур.

Бу витамин балик ёғи, эчки сўти, сариёғ, пишлоқ, творог, тухум сариғи, денгиз маҳсулотлари, картошка, ўсимлик ёғи, мол гўштида бисёр. Шунингдек, танада қуёш нури таъсирида ажралиб чиқади.

С витамини — терининг гўзаллиги, кучли иммунитет, соч ва тишлар соғлом бўлиши учун керак.

У кўпроқ цитрус мевалар, сабзи, қизил қарам, шивит, наъматак, чаканда мойи (облепиха), қизил рангли мевалар, яшил нўхат, турп ва кивида мавжуд.

К витамини — танадаги жароҳатларнинг тез битиши, қон сифати ва унинг ивувчанлиги меъёрда бўлишига ёрдам беради.

У қарам, сабзи, исмалоқ, қичитқи ўт, наъматак, помидор, қулупнай ва кўк чойда мавжуд.

Е витамини — гормонлар ҳосил бўлиши, қон ивиши, асаб тўқималари ва иммунитетни мустаҳкамлаш, репродуктив тизим фаолиятининг яхши ишлаши, ташқи салбий таъсирлардан ҳимояланишни таъминлайди.

У асосан кунбабоқар ва зайтун ёғи, гўшт, қовоқ, жўхори, сариёғ, ёнғоқ, сўт маҳсулотлари ва жигарда бор.

В1 витамини — танада углеводлар алмашинуви, асаб тизими ва мия учун энергия ишлаб чиқариш, жисмоний фаолликни оширишга ёрдам беради. У дон маҳсулотлари, дуккаклилар ва картошкада кўп миқдорда бўлади.

В2 витамини — хужайраларга энергия ишлаб чиқариш, кўз ва тери саломатлиги учун зарур. Ушбу витамин сўт ва сўт маҳсулотлари, жигар, бодом, тухум, кўй гўшти, кўзқорин, гречка ва творогда мавжуд.

В6 витамини — оксиллар сўрилиши, асаб тизимининг яхши ишлаши ва қон томирлари соғлом бўлиши учун керак. У банан, салат барғи, ёнғоқ, қарам, бугдой келаси ва янги ундирилган ниҳоллари, лосось балиғи ҳамда гўшда бўлади.

В12 витамини — асаб тизими ва ичаклар саломатлиги, мустаҳкам хотира ҳамда иммунитет ва қизил-қон хужайралари ишлаб чиқариш учун зарур. У салат, турли балик маҳсулотлари, сўт, пишлоқ, тухум сариғида кўп учрайди.

Биотин — танада углевод ва ёғлар аралашуви, метаболлик жараёнларнинг фаоллашишида иштирок этади. У асосан жигар, сўт маҳсулотлари, соя, дуккаклилар, ёнғоқда бор.

Фолий кислотаси — янги хужайралар ўсиши ва анемиянинг олдини олади. У турли кўкатлар, нўхат, мол гўшти ва жигари, буйрак ва тухумда кўп миқдорда бўлади.

САЛОМАТЛИК

Шахсий гигиена — саломатликнинг асоси

Шахсий гигиена — гигиенанинг бир бўлими ҳисобланади. Шахсий ҳаёт ва меҳнат фаолиятида амал қилиниши зарур бўлган гигиеник тартиб йўли билан одам соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга эришади.

Сайёра МУЛЛАЕВА, Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти бош мутахассиси.

Шахсий гигиена ҳар бир кишининг ўзига ва ёшига боғлиқ бўлиб, ақлий ва жисмоний меҳнатни тўғри йўлга қўйиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, вақтида овқатланиш, микробий ухлаш, меҳнат ва дам олишни тўғри уюштиришдан иборат. Тор маънода бадан (тери, соч, тирноқ, тишлар), кийим-кечак, пойабзал, кўрпа-тўшак, тураржой, таом тайёрлаш гигиенаси шахсий гигиенага киради.

Биринчи навбатда, баданни озода сақлашга эътибор бериш зарур. Айниқса, баданнинг очик жойлар, шунингдек, тирноқ ости тез кирланади, шунинг учун қўлни тез-тез совунлаб ювиб туриш, тирноқларни тўғри парвариш қилишга одатланиш керак. Овқат тайёрла-

ганда ҳам қўлнинг тозаллигига эътибор бериш лозим. Шахсий гигиена қодаларига болалар ёшлигидан оқдатланиши зарур.

Кунига душ қабул қилиш — яхши одат. Уринга ётишдан олдин оёқни ювиш керак.

Оғиз бўшлиғини тоза тутиш фақат тишларнинг соғлом бўлишини таъминлабгина қолмай, балки ички аъзолардаги касалликларнинг олдини олади. Тишни ҳар кун эрта-кеча ювишга, шунингдек, овқатдан сўнг оғизни чайиш-

га одатланиш керак.

Ички кийим тоза бўлиши, ҳар кун икки кунора пайпоқни алмаштириб туриш шахсий гигиенада жуда муҳим. Бадан, кийим-кечак, тураржой, ошхона, иш жойи ва бошқаларнинг тоза бўлишига эътибор бериш шарт.

Оила аъзоларининг сочиғи, кўрпа-тўшаги алоҳида бўлиши, кўрпа-ёстиқ жилди, чойшабни, уйқоғ ётишдан олдин ички кийимни алмаштириш лозим. Шахсий гигиенага оид тадбирларни, айниқса, оила аъзоларидан бирор киши оғриганда қатъий амалга ошириш талаб этилади. Акс ҳолда, касаллик атрофдагиларга, хусусан, болаларга тез юқиши мумкин.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Самандар МАМАЖОНОВ. Чироқчи тумани:

— Айримлар бирор ишни ноҳақлик билан битириш учун пора таклиф ёки талаб қиладилар. Бунга динимизда қандай қаралади?

ПОРА ТАКЛИФ ЁКИ ТАЛАБ ҚИЛИШНИНГ ҲУКМИ ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Шариатимизда бундай ишларга “ришва” — пора дейилади ва бу катта гуноҳлардан биридир. Пора деб, киши ҳақли бўлмаган нарсасига эришиш ёки зиммасига лозим бўлган нарсадан қутулиш учун тақдим этган мол ёки манфаатга айтилади.

Одатда, кўпчилик порахўрлар порани “ҳадя”, “совға” сифатида қабул қилади. Бевурчилар ҳам “кўнгилдан чиқди”, “атадиқ” каби чиройли сўзлар билан қабиҳ ниятларини амалга оширишга одатланишган.

Порахўрлик динимизда қаттиқ қораланган ва бу ҳақда ҳадиси шарифда ҳам тўхталинган. Савбон розияллоху анхудан ривоят қилинади: **“Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам пора берувчи, пора олувчи ва уларнинг ўртасидаги воситачини ланъатладилар”** (Имом Аҳмад ривояти).

Пора берувчи жамиятда белгиланган низоми бузиб, ҳақсизлик ила ўз ишини бажариб кетган ҳисобланади. Пора олувчи виждон амрига бўйсунмасдан, ноҳақликка, адолатсизликка рози бўлиб, ўз манфаатини ўйлаб, ўзгалар ҳақида хиёнат қилган бўлади.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 9 470 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-420
ISSN 2020-7013
9 177 20 10 70 10 00